

Majburiy bepul nusxa



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 9-oktabr • Shanba • 118 (31.238) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА САЙЁХЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

■ Самарқанд шаҳрида 8 октябрь куни БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривожлантиришга бағишланган навбатдаги мажлиси бўлди.

Тадбир БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан ташкил этилди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирини Э.Ғаниев мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, унинг замонавий турларини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганини алоҳида таъкидлади. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз ўзининг ноб ташкилотчи обидалари, бетакрор маданияти ва анъаналари ҳамда гўзал табиати билан сайёҳларни тобора кўпроқ жалб қилаётди. Соҳа инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб бориладиган кенг қўламли ишларнинг юксак самаралар бермоқда. Бунда Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Сайёҳлик — барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан биридир. У аҳоли

турмуш даражасини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва халқаро муносабатларнинг мустақамлланишига хизмат қилади. Мамлакатимизда бу соҳада улкан ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий меҳмонхоналар ҳамда дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланаётди. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани соҳанинг янада тараққий этишига ҳамда ўлкамизга келаётган сайёҳлар сонининг йил сайин ортишига хизмат қилмоқда.

БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Талеб Риѐаи Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳиятига эга эканини, соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, туризмнинг дунё миқёсидаги бугунги қўламли ҳар қачонгидан кенг эканини қайд этди. Ўзбекистонда бой маънавий ва маданий меросни ўрганиш ва ривожлантириш, қадимий обида ва меъморий ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасидаги ишларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш борасидаги халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда ва тобора мустақамлланимоқда, деди.

→ 2



### Кўргазма

■ Мамлакатимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолияти тобора такомиллашмоқда. Она ва бола соғлигини асраш, репродуктив саломатликни мустақамллаш, оилаларда соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишини таъминлашга оид кенг қўламли чора-тадбирлар дастурлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жаҳон тиббиётининг энг янги технологияларига асосланган замонавий диагностика ва даволаш воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда анъанавий тарзда ўтказилаётган «Ўзмедэкспо» халқаро ихтисослашган тиббиёт кўргазмасининг ҳам ўз ўрни бор. Бу йилги кўргазмада Россия, Беларусь, Германия, Польша, Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амириклари каби хорижий давлатлардан қатор етакчи фармацевтика компаниялари иштирок этмоқда.

Кўргазмада маҳаллий фармацевтика компанияларимиз маҳсулотларига ҳам

кенг ўрин берилган. Улардан бири — «Ўзкимефарм» очик акциядорлик жамиятида айни пайтда тиббиётнинг барча соҳаларида қўлланиладиган саксон турдан кўпроқ дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, истеъмолчиларни маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарилган дори-дармонлар билан таъминлаш, тармоқда сифат ва самарадорликни оширишга қаратиладиган эътибор қорхона фаолиятини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларини замонавийлаштириш имконини бермоқда.

Аскар ЕКЎБОВ (ўса) оғлан сураётган.

ЎзХДП  
Жамоатчилик  
қабулхоналарида

«МУШКУЛИМ  
ОСОН  
БЎЛДИ...» → 2

Рустам  
Қосимжонов  
издошлари

«ЖАҲОН  
ЧЕМПИОНИ  
БЎЛАМАН!» → 4

### Эътироф

Ўзбекистонга келишни анчадан бундан орзу қилардим. Ораун ушлаганидан жуда хурсандман. Тошкент кўчалари ва хиббонларини сайр қиларканман, шаҳарда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратга тушдим. Айниқса, халқингизнинг юксак маданияти, меҳмондўстлиги, аҳли-иноқлиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интилишлари ҳавасини келтирди.

Ўзбекистон — баркамол авлод вояга етётган мамлакат. Дунё спорт жамоатчилиги юксак иқтидор ва профессионал салоҳиятга эга қўламли ўзбек спортчиларининг халқаро ареналарда эришаётган оламшумул ютуқларини эътироф этган. Мамлакатингизнинг жаҳон чемпионатидек нуфузли мусобақаларда мезбонлик қилиши ҳам Президент Ислам Каримов раҳбарлигида спортни ривожлантириш ва ёшлар ўртасида спортни амаллаштириш борасидаги эзгу сайёҳаракатларнинг амалий натижасидир.

Хесус КАСТЕЛАНУС,  
Испания тазквондо федерацияси президенти

## Партия аъзосининг бурчи

### Баҳс-мунозара

■ Демократик жамиятнинг асосий белгиларидан бири кўппартиявийликдир. Фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий курашлар ва партиялар ўртасидаги баҳс-мунозарада ҳар бир партия аъзосининг ўткир зехни, ўз ишига садоқати, жонқуярлиги муҳим аҳамият касб этади.

Рўзбек Тўраев,  
ЎзХДП Тошкент шаҳар  
кенгаши раиси ўринбосари.

Сиёсий партиянинг ўз тарафдорларини кўпайтиришдан асосий мақсади — электорат манфаатларини химоя қилиш учун ҳукуматни шакллантирувчи кучга, анкироги, етакчи партияга айланишдан иборат. Бунда у ўз аъзоларига таянади. Партия аъзоси эса бу ишончли оқлаши ва унга муносиб бўлиши керак.

Аввало, киши сиёсий партияга нима сабабдан аъзо бўлади? Ёш аъзоларнинг кўпчилиги партиянинг дастурий мақсадлари маъқул бўлгани учун унинг сафига кирганини таъкидлайди. Шундай экан, ўзи аъзо бўлган партия дастурида илгари сурилган гоёларни химоя қилиши, сайловларда фаол иштирок этиб, ўз партияси учун курашиши зарур. Қолаверса, партия фаолияти, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий жараён-

лардан доимий хабардор бўлиши ва партиянинг турли масалалар юзасидан позициясини ишлаб чиқишида бевосита иштирок этиши лозим.

Агар партия аъзоси сиёсий жиҳатдан етук бўлса, нима учун айнан шу партияни танлагани ва бу орқали нималарга эришиши мумкинлигини англаб етати. Ўз ўзидан бошқа партия вакиллари билан бўладиган баҳсларда позициясини химоя қилади.

Агар ҳар бир партия аъзоси ўз бурчининг англаб етса, унинг учун «электорат», «электорат манфаати» деган тушунчалар бегона бўлмайди. Ёни, уларнинг манфаатини таъминлаш учун муносиб ҳисса қўлади. Бу эса партиянинг тизимли ва самарали фаолияти юретишига асос бўлади.

## ЎзХДП: Депутатлик гуруҳлари фаолиятдан

**Фикрлар,  
тахлиллар,  
таклифлар  
халққа хизмат  
қилсагина  
қадрлидир** → 2

■ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳида 27 нафар депутат бор. Уларнинг ҳар бири бугун депутат зиммасига қандай масъулият юкланганини яхши англайди.



Бутунжаҳон тазквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон тазквондо (WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тазквондо «пумсе» бўйича V жаҳон чемпионатида дунёнинг олтишига яқин мамлакатидан келган тўрт юз элликдан зиёд спортчи волиблик учун куч синашмоқда. Чемпионатнинг дастлабки кунида ҳамюртларимиз битта кумуш ва битта бронза медални кўлга киритди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида бошланган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Алла Таранова фаҳрийлар ўртасида кумуш медалга сазовор бўлди. Ўсмирлар ўртасида умидли спортчимиз Зафар Сатторовнинг бажарган комплекс машқлари ҳакамлар томонидан бронза медалга лойиқ топилди.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIIY BANKINING 2010 YIL 5 OKTYABR DAN BO'SLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1571,69	1 Миср фунти	284,95	1 СДР	2527,70	10 Жанубий Корея вони	14,43
1 Англия фунт стерлинги	2562,84	1 Канада доллари	1592,18	1 Туркия лираси	1127,08	10 Япония иенаси	194,12
1 БАА дирхами	441,53	1 Хитой юани	242,42	1 Швейцария франки	1659,65	1 Россия рубли	53,15
1 АҚШ доллари	1621,64	1 Малайзия рингити	525,74	1 Евро	2194,69	1 Украина гривнаси	205,01

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъқур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.

ОБ-ҲАВО	09-10.10. 2010	
	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 26°C	☀️ 23°C
Самарқанд	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Нухус	☀️ 23°C	☀️ 22°C
Қарши	☀️ 27°C	☀️ 26°C
Урганч	☀️ 23°C	☀️ 22°C
Навоий	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Фарғона	☀️ 23°C	☀️ 21°C
Бухоро	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Андижон	☀️ 23°C	☀️ 21°C
Наманган	☀️ 23°C	☀️ 21°C
Термиз	☀️ 27°C	☀️ 26°C
Жиззах	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Гулистон	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Тошкент вил.	☀️ 24°C	☀️ 22°C
Лондон	☁️ 12°C	☁️ 13°C
Париж	☁️ 12°C	☁️ 15°C
Москва	☁️ 7°C	☁️ 8°C
Мадрид	☁️ 14°C	☁️ 15°C
Пекин	☁️ 14°C	☁️ 13°C
Гонгконг	☁️ 22°C	☁️ 21°C
Рим	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Анкара	☁️ 10°C	☁️ 8°C
Токио	☁️ 16°C	☁️ 15°C
Стокгольм	☁️ 8°C	☁️ 7°C
Кейптаун	☁️ 13°C	☁️ 12°C
Қоҳира	☁️ 15°C	☁️ 14°C
Гавана	☁️ 23°C	☁️ 27°C
Вашингтон	☁️ 10°C	☁️ 10°C

Ўзбекистон ҳаво йўллари



Хизматлар лицензияланган

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА САЙЁҲЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажлисида «Буюк ипак йўли» брендини жаҳон сайёҳлик бозорига олиб чиқиш, сайёҳлик соҳасининг иқтисодий ривожлантиришда туган ўрни, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, сайёҳлик соҳасида иш юри-тадиган компания ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Буюк ипак йўли лойиҳасининг кел-гусидидаги мақсад ва вази-фаларига оид масалалар юза-сидан атрофлича фикр ал-машилди.

Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган. Буюк аждодларимиздан мерос бе-баҳо обидалар асрлар оша дунё ахлини мафтун этиб ке-лади. Бугунги кунда ҳам дун-ёнинг турли бурчақларидан ташриф буорадиган сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Қўқон сингари та-рихий шаҳарларимиздаги осори-атиқаларни катта завқ-шақ билан томоша қилади. Давлатимиз раҳбарининг миллий қадриятларни тиклаш борасидаги доимий ҳам-ўр-лиги туяфайли кўплаб ёд-гор-

тоннинг транспорт ва тран-зит салоҳияти юксалишига ҳам хизмат қилади. — Самарқандга илк бор келишим, — дейди Италия-нинг «Aipour World» компа-нияси менежери Стефано Согне. — Буюк ипак йўли-нинг марказида жойлашган Ўзбекистон ўзининг ноёб та-рихий обидалари ва ёд-гор-ликлари, гўзал табиати бил-лан кўплаб сайёҳлар эъти-борини жалб этаётир. Шарқ гавҳари бўлмиш Самарқанд-ни, унинг дунёда ном тарат-ган бебаҳо тарихий обиде-ларини кўриш имконига эга



«Ўзбекистон маркази»да бўлиб ўтган «Буюк ипак йўли бўйлаб сайёҳат» ХҲҲ Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмарка-сида 36 мамлакат-дан беш юздан ортиқ сайёҳлик компаниялари қатнашди.

— Ўзбекистон бундай ну-фузли халқаро тadbирга мез-бонлик қилаётгани мамлакат-нингизда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилган да-лолатдир, — деди Испания Журналист-сайёҳлари ва ёзувчи-сайёҳлари Феде-рацияси президенти Мари-ано Палачин Калво. — Тош-кент-Мадрид ҳаво алоқаси йўлга қўйилгани мамлакат-ларимиз ўртасида сайёҳлар оқимининг янада кўпайиши-га хизмат қилаётир.

Ўзбекистон курорт ва та-рихий жойлар сони бўйича дунёдаги энг ётақий ўн мам-лакат сирасига кирди. Буюк ипак йўли чорраҳасида жой-лашган мамлакатимизда турт мингдан зиёд тарихий ва ма-даний ёд-горлик бор. Улар-нинг бир қисми ЮНЕСКОнинг

бўлганимдан қувончим че-кис. Бу шаҳарнинг ҳар бир қарич ери тарихий ва гўзал-дир. Мазкур анжуман Буюк ипак йўли мамлакатларида сайёҳликни тараққий этти-ришга хизмат қилишига ишонаман.

Анжуманда Буюк ипак йўлида сайёҳликни ривож-лантиришнинг асосий мақ-сад ва вази-фалари, соҳада фаолият юриладиган ташки-лотлар фаолиятини такомил-лаштириш, сармоя жалб этиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масала-лар юзасидан фикр алма-шилди. Анжуманнинг очилишида Самарқанд вилояти ҳокими У.Барноев иштирок этди. **НОДИРА МАНЗУРОВА, Голиб ҲАСАНОВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

# ЎзХДП: Депутатлик гуруҳлари фаолиятдан Фикрлар, таҳлиллар, таклифлар халққа хизмат қилсагина қадрлидир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Гуруҳимиз қонунчиликдаги ўзгаришлар ва аниқликлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Қозоқбой Жонибеков. — Ислохот-ларнинг қанчалик самара бериши, шубҳасиз, депутатларнинг халқ ора-сига кириши, жойлардаги муаммо-ларни қай даражада ўрганиши ва қонун берган ваколатлардан самара-ли фойдалана олишига боғлиқ-дир.

Депутатлик гуруҳи йиғилишлари-да аниқ масалалар муҳокама қили-ни, депутатларнинг таклифларига таянчилган ҳолда, партия дастурий мақсадларига йўналтирилган режа-лар ишлаб чиқилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида депутатлик гуруҳи томонидан Жўқорги Кенгес кўмиталари муҳокамага 11 та масала киритилди. Яқинда Жўқорги Кенгеснинг Аграр, сув ҳўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида «Ер тўғрисида»ги қонуннинг амалиёти-ни ўрганиш юзасидан Ер, геоде-зия ва давлат кадастри бошқарма-сининг ҳисоботи тинланди. Шу-нингдек, бир неча қонунларнинг ҳаётга таътиқ этилиши муҳокама қилинди.

Депутат доимий изланиши, элек-

торатни ўйлантираётган муаммо-ларни изчил ўрганиб бориши эъ-тибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Бу — халқ депутатлари шаҳар, ту-ман Кенгашларидаги депутатлар билан Жўқорги Кенгесга партиями-здан сайланган депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласидир. Чунки жойларда юзага келаётган масала-

Қонунчилик палатаси депутатлари билан фикр алмашилаяпти. Қуйи палата депутатлари муайян мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирмоқда. Бу бо-рада Қонунчилик палатаси депута-ти Назира Матякубова билан ҳам-корлик, айниқса, яқши натижа бе-раятти. **Ҳамкорлик ва ҳамфикрлик, албат-**

ларни малакали ўрганиш ва Жўқорги Кенгес муҳокамага киритиш айна шу жараённинг қанча-лик ривожланишига боғлиқ. Шу мақсадда шаҳар ва туман Кенгаш-ларидаги партиями-здан депутатлик гуруҳи аъзолари билан ўтказилаёт-ган учрашуларда мазкур ҳамкор-ликни ҳар жиҳатдан шакл-лантиришга аҳамият берилмоқда. Йил бошидан бунга айна шундай уч-рашулардан 10 га яқини ташкил этилди. Улардаги баҳс-мунозаралар турли масалаларни тизимли ўрга-ниш ва таҳлил қилишга ёрдам бе-раётир. Муҳокамаларда баҳсли ўринлар туғилса, Олий Мажлис

та, зое кетаётгани йўқ. Таҳлиллар натижасида халқ депутатлари ша-ҳар, туман Кенгашларидаги партия-ми-здан депутатлик гуруҳлари томони-дан доимий комиссиялар муҳокама-сига киритилаётган масалалар сал-моғи ошди. Халқ депутатлари Ну-кус шаҳар, Мўйноқ, Қораўзақ, Кон-ликўл, Нукус, Қўнғирот ва Бериуий туман Кенгашлари сессияларида партиями-здан депутатлик гуруҳлари то-монидан ҳозиргача 11 та масала киритилди. Хусусан, халқ депутатла-ри Мўйноқ туман Кенгаси сессия-сига ҳудуддаги кичик бозорларда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари-ни кўпайтиришнинг аниқ чоралари-

ни ишлаб чиқиш таклифи кирити-либ, ижобий натижага эришилди. Ўтган давр мобайнида ЎзХДП де-путатлик гуруҳлари ташаббуси бил-лан халқ депутатлари маҳаллий Ке-нгаш сессиялари ва доимий комис-сиялари кун тартибига 135 та ма-сала киритилиб, уларнинг аксария-ти асосида тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, депутат-ларимиз сайё-ҳаракатлари самара-си ўлароқ, 50 га яқин жамоатчилик назорати ўрнатилди. Бироқ ҳали имконият даражасида

## ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯЛАРИ ВА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ КҮН ТАРТИБИГА 135 ТА МАСАЛА КИРИТИЛИБ, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ АСОСИДА ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, ДЕПУТАТЛАРИМИЗ САЙЁ-ҲАРАКАТЛАРИ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, 50 ГА ЯҚИН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛДИ.

фaолият кўрсатмаётган депутатлар ҳам йўқ эмас. Айрим депутатлар ҳудуддаги электрлот маънафати билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш, улар-нинг ечими бўйича аниқ таклифлар билдиришда сусташлик қилмоқда.

Ҳар бир депутат ўз қамоғи ва қонуний ваколатлари доирасида ҳаракат қилса, ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этса, амал-ий ишлар билан кўпроқ шуғуллан-са, эл орасидаги хўрмати ҳам шун-га яраша бўлади. Энг муҳими, одам-ларда депутатга, унинг номзодини кўрсатган партияга ишонч кўчади.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «Мушқулим осон бўлди...»

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарида

■ Илҳомбой Урганч шаҳрида истиқомат қилади. Биринчи гуруҳ ногирони. Соғлигини мустаҳкамлаш учун мунтазам шифокорга учрайди, дори-дармон олади. Бундан ташқари, сикаттоҳларга ҳам бориб туриши керак. Очиғи, ҳар доим бунга имкон бўла-вермайди. Уни яқинда Урганч шаҳар партия кенгашида учратдик.

— Сикаттоҳга йўлланма олай де-сам, муаммо тугилди, шуни ечишда ёрдам сўраб келгандим, — деди у. — Шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депута-ти Санобар Ботированинг сайё-ҳара-кати билан мушқулим осон бўлди. Товоқсой сикаттоҳга бепул йўллан-ма олдим. У ерда дам олиб, соғли-гимни тиклаб қайтдим.

— Жамоатчилик қабулхонаси фао-лияти самарадорлигини ошириш бўйича яна бир қатор янглик ва тавсияларни жорий қилаёмиз, — дейди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Собирёз Ишчонов. — Масалан, ҳар бир маҳаллада электо-рат муаммоларини ўрганиш учун Жа-моатчилик қабулхонаси қўтичасини

ташқил қилаёмиз. Фуқаролар му-рожаат, фикр ва таклифларини унда қолдиради. Чека ҳудудларда кўча қабулхоналар ташқил қилдик. Бу кўпчилики мамнун этмоқда. Шу са-бабли бундай қабулхоналар ишини янада такомиллаштириш ниятиданим.

# Долзарб вази-фаларга бағишланди

■ Бугунги кунда сайёрамизнинг барча минтақалари, хусусан, Марказий Осиё, қолаверса, Ўзбекистон учун ҳам табиатни асраш, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик муаммоларни бартараф этиш каби масалалар долзарб вази-фалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти Бош Ассам-блеясининг Мингйиллик ривожла-ниш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқи-да бу умумбашари муаммога, айниқса, Орол денгизи инки-розининг атроф-муҳитга, бу ерда истиқомат қилаётган миллионлаб одамлар ҳаётига халокатли таъ-сирини камайтириш борасида қатор фикрларни билдирди. Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминла-ниши, бу дарёлар оқимининг ка-майиши эса мазкур минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик муво-занатини бутунлай ўзгартириб ботириши мумкинлигини яна бир бор таъкидлади.

Шундай экан, минтақамиздаги бу каби долзарб экологик муам-моларни ижобий ҳал этиш ва бу борадаги сайё-ҳаракатларга хал-қаро таърибларни жалб қилиш, халқаро ҳуқуқий мезъларларни қўллашни Ўзбекистон экологик ҳаракати ўзининг асосий дасту-рий мақсадларидан бири деб билмоқда.

мушқуллиги, ушбу муаммолар че-гара билмаслиги, трансчегаравий эканлигини ҳисобга олиш зарур-лигини алоҳида таъкидладилар. Жумладан, Лондондаги Вестмин-стер университет ректори Петс Жеффри «Сув ресурсларидан фойдаланишда ижтимоий ва эко-логик эҳтиёжни қондиришни му-вофиқлаштириш», Атроф муҳит ва инсон саломатлиги бўйича Евро-па маркази раҳбари Майкл Дел-ледж «Атроф муҳит ва инсон са-ломатлигининг ўзаро боғлиқли-ги», Ўзбекистон экологик ҳарка-ти Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари Алсон Мавлонов «Марказий Осиё-нинг экологик муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистон экологик ҳаракати ва бошқа жамоат таш-килотларининг роли ҳамда ўрни» мавзуларида маърузалар қилиш-ди.

Анжуман иштирокчилари «Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш-нинг замонавий муаммолари», «Атроф-муҳит ифлосланишининг иқлим ўзгаришига, иқтисодийнинг ривожлантиришга ва демографик жараёнларга таъсири», «Барқарор ривожланиш учун таълим ва эко-логик ҳуқуқ масалалари»ни ат-рофлича муҳокама қилдилар.

# Иқтисод ва ислоҳот



Санобат Қўзиева: «Томорқадан 3 миллион сўмдан кам даромад қилмаймиз».

Яхши ният мактаби

Бу воқеа спорт майдониси ёки саҳнада юз бермади. Аксинча, ёшликка хос хурфирклик бўй кўрсатиб, кўнгилларга умид уру-гини сочди. Муҳими, унинг аҳамияти спорт ёки саҳнадаги муваффақиятдан кам эмас. Гап шундаки, Шахрисабздаги 92-ма-ктабнинг 9-синф ўқувчиси Нилу-фар Раҳматова Республика Дав-лат солиқ кўмитаси «Солиқ бил-диллари» — болаларга! кўрик-танловини муваффақиятли ишти-рок этди. У «Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши» но-минацияси бўйича 2-уринни эгаллаб, диплом билан тақдир-ланди.

# Намунали солиқ тўловчи мамлакат қўдрати,

# ИБРАТ

лашга интилдим. — Муҳтарам Юртбошимиз айт-ганидек, инсон қалбига йўл таъ-лим-тарбиядан бошланади, — дейди Нилуфарнинг устози, ўқитувчи Латофат Жўраева. — Мактабимизда Нилуфар каби иқтисодий ислохотлар, жумладан, солиқ тизими асосларига кизи-қувчи ёшлар кўп. Ўзим ҳам қанча ва нима учун солиқ тўлаётгани-миз, улар қаерларга ишлатиши-га жуда қизиқаман. Солиқлар мамлакат қудрати экани, улар қандай йиғилаётгани ва нима-ларга сарфланаётгани муҳим ту-шунча. Бу ҳақда болаларга илм берилса, ёмон бўлмайди. Умид билан ўтказилган кўчат бир кун албатта мева беради.

— Устоз ва шоғирд мулоҳаза-ларида жон бор, — дейди туман солиқ инспекцияси бюджетдан ташқари тўловларни назорат ва таҳлил қилиш шўъбаси мудири Барат Бекчорнов. — Чунки, жа-мгариладиган маблағларнинг аҳамияти, солиқчи ва мижоз му-носабатлари каби масалаларга фарзандларимизни ёшлиқдан қизиктирсак, бундай тушунчалар улар камолоти йўлида хизмат қилади.

МЧЖ олдин банкротга учраган эди, ҳукуматимизнинг соғлом-лаштириш дастурига қўра, яна маҳсулот ишлаб чиқариб, 100 фойз қалавани экспорт қила-пти. Солиқларни ҳам тўлаб бор-моқда. Илгариги пиллакашлик қорхонаси — ҳозирги «Кеш ку-муш тола» МЧЖ цехларига ўрна-тилган Япониянинг «Гунзе» ру-сумли ипак ўрад машиналари қайта таъмирланди. Мана, бу йил у пилла қабул қилди.

Таянч

Аҳолиси 300 минг кишидан ошган Шахрисабз тумани Қашқа воҳасида саноат ва қишлоқ хўжа-лиги ривожини жиҳатидан етакчи саналади. Шунга қарамай, бю-джет таъчиллиги юз бериб, дота-ция оладиганлар рўйхатида ту-шиб қолганди. Бониси шундаки, хусусийлашган айрим йирик ко-мпаниялар ишлаб чиқариш ҳажми-ни кескин камайтириб юборди.

Томорқа, яъни ер ва мулк со-лиғи тўлашига одамларнинг муносабатларини ўрганиш ния-тида қишлоқ ораладик.

Мана, бир неча йилдирки, туман ўзини ўзи таъминлашга муваф-фақ бўлди. Қандай қилиб дей-сизми? Бу ҳақда халқ депутат-лари Шахрисабз туман Кенга-шининг маҳаллий бюджетини шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тadbиркорликни ривожлантириш доимий ко-миссияси раиси, ҳуқуқшунос Ўқтам Жабборов шундай дейди:

Бу борада туман солиқ ин-спекциясида таъриба тўпланган. «Беруний», «Лочин» болалар оромгоҳлари, ўнлаб мактаблар-да солиқ қўнчилиги ва соҳа хо-дидлари фаолиятига оид учра-шулар, давра сўбатлари ўтка-зиб турилади. 2009 йили «Чош-тепа» гишт қорхонаси жамоаси «Намунали солиқ тўловчи» туман кўригига голиб чиқди. Бу йил ҳам қорхона ва ташкилотлар ўртаси-даги кўрсаткичлар сарҳисоб қилинди.

Томорқа, яъни ер ва мулк со-лиғи тўлашига одамларнинг муносабатларини ўрганиш ния-тида қишлоқ ораладик.

— Давлатимизга раҳмат, беш йил солиқдан овоз бўлди, — дей-ди Матлуба опа тайёр буюм-ларни кўрсатар экан. — Чевар-ларга осон эмас, бичган-тикка-ни элга манзур бўлиши керак. Маҳсулотнинг бозори чаққон бўлмаса, қасода учраймиз. Мана, оёққа туриб олдик. 20 на-фар чевар иш билан банд. Солиқ ҳамда бюджетдан ташқари ту-шумларни ўз вақтида узиб ке-ляёмиз.

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Вазирлар Маҳкамасининг овқатланишни муносиб-лаш бўйича миллий стратегия тўғрисидаги қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг темир препаратлари билан сапленментация ўтказиш ва соғлом овқатланиш дастурини амалга ошириш ҳақидаги ҳужжати ҳамда «Саломатлик — 2» дастури асосида Бухоро вилоятида 6 ойдан 2 ёшгача бўлган болалар ўртасида сапленментация ишлари амалга оширилмоқда.

**Болалар соғлигига эътибор**

Унга кўра, болалар темир препаратларини ҳафтанинг чоршанба кўни икки йил давомида истеъмол қилади. Биргина мана шу мақсадда Бухоро вилоятида 302058 флакон темир сиропи жойларга етказилди.

Моқда. Яқинда бўлиб ўтган семинарда республика камқонлик маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилором Сулаймонова масала юзасидан атрофлича маълумот берди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тиббий статистика бўлими мудири Маҳмуд Обидов бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисобот берди, саволларга жавоб қайтарди.

**Моҳигул НАЗАРОВА.**

**«Сифатли хизмат — замон талаби»**

Самарқандда Республика давлат солиқ кўмитаси ташаббуси билан шу мавзуда семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят солиқ бошқармаси ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва унга алоқадор соҳа мутасаддилари иштирок этишди.


Бу тадбирда аҳолига сифатли савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, бу борада эришилаётган ютуқлар ва йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама этилди.

ҳануз савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларига риоя этмаслик ҳолатлари учрамоқда, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Шерназар Абдуназаров.

**Абдували ХУДОЁЕВ**

**Хушёр бўлинг, одамлар!**

Икки дарё оралигидаги мамлакатимизга эраמידан 530 йил аввал Кир II лашкарлари бостириб кирди. Малика Тўмариснинг ўғли Сипарангиз кўшинга бош бўлиб, Ватан ҳимоясига отланди ва биринчи жангдаёқ Кир аскарларини тор-мор қилди. Шунда Кир ҳийла ишлатди, қочиб кетар экан, йўлда шароб тўла хумларни қолдирди. Сипарангиз аскарлари хумлардаги шаробни ичиб, маст бўлиб ухлаб қолишди. Кир кўшини ортага қайтиб, ухлаб ётган аскарларни қиличдан ўтказди. Сипарангизни асир олишди. Хушига келган Сипарангиз пушаймон бўлиб, ғаним аскари ханжарини чаққонлик билан олиб кўксига урди. Агар шароб бўлмаганида, доно ва мард Сипарангиз бундай қисматга гирифтор бўлмас эди, она юрт босқинчи оёғи остида топталмасди...



**касофат, қабохат, фалокат...**

**ИЧКИЛИКБОЗЛИК**

юртимизда баркамол авлод тарбияси кенг қамровли дастур асосида амалга оширилаётган вақтда ичкилик — алкоголь асоратлари, ичкиликбозлик — алкоголизм бало-қазосидан ёшларимизни асраш масаласига жиддий эътибор қаратишимиз талаб этилади

саннинг асл моҳияти) номини берди. Кимёгарлар алкоголь олиш усулини ўзлаштириб, уни спирт (лотинча spiro — нафас олаётган) деб номлашди. Чунки у вақтларда олимлар спирт одамларни бардам қилади, беморларни тuzатади деб ўйлашарди. Шунинг учун спиртнинг сувдаги эритмасини ҳатто «аква вита» (оби-хаёт) дея таърифлашган.

Албатта, этил спиртининг sanoat-да, тиббиётда ва халқ ҳўжалигида кенг қўлланилиб, мушкулларни ен-гиллаштираётганини эътироф эти-шимиз керак. Аммо спиртли ичим-ликларни истеъмол қилиш, эҳтиёт чоралари қўрилмасдан фойдалани-ласа оғир оқибатларга олиб келиши-ни яхши биламиз. Французлик та-дқиқотчилар маълумотига кўра, жи-гар циррози, оғиз бўшлиғи ва ов-қат ҳазм қилиш органларида уч-райдиган рақдан вафот этганлар-нинг 80 фоизи, сил касалидан кўз юмганларнинг 33 фоизи ичкиликка ружу қўйган кишилардир. Шунинг-дек, сувга чўкканлар ва қотиллик қурбони бўлганларнинг 67 фоизи, ёнғинда ва йўл транспортни бах-тсиз ҳодисаларида кўз юмганлар-нинг 50 фоизи, қотиллик содир эт-ганларнинг 50 фоизи, зўравонлик қилганларнинг 40 фоизи ичкилик таъсирида юз бергани аниқланган.

Алкоголнинг ўзига эмас, унинг ҳиди ҳам тирикликка, пушта қан-чалар зарари эканлигига бир ми-сон келтирайлик. Россияда сано-дон таъйёрланадиган саройнинг «ор-доғидати инкубаторга 160 та тухум ҳўжа очираш учун қўйилган. Улар-нинг 78 данасидан ҳўжа очиб чиқ-

қан. Шундан 40 таси тез орада ўлган, 25 таси майиб-мажруҳ бўлиб қолган, бор-йўғи 13 та ҳўжа соғ-лом ривожланган.

Алкоголизмнинг зарарига фран-цуз врач Деменнинг 28 йиллик кузатишдан чиқарган хулосалари яққол мисол бўла олади. У шу вақт-да алкогольга ружу қўйган 10 та оилани кузатган. Бу оилаларда 57 нафар фарзанд дунёга келган. Улардан 25 нафари бир ёшга ет-масдан вафот этган. 23 нафаридан тuzатиб бўлмайдиган касалик — ноғиронлик бўлган, атиги 9 нафар бола соғлом улғайган.

Инсоният ичкиликнинг зарарини билганидан буюн бу иллатга қарши курашиб келаяпти. Езма манба-ларга қараганда, Хитой императо-ри Ю Вонг милoddан 1220 йил ав-вал ичкиликбозликка қарши фар-мон қабул қилган. Бу фармонга кўра, ичкилик ичаётган вақтда қўлга олинган кишилар ўлимга ҳўкми қилинган. Ҳиндистонда ичкилик ич-қанларга жазо тариқасида ўлғун-га қадр оғиздан қайнатилган вино қўйилган ёки пешонасига ичкилик идиши тасвири тuzирилган тамга босилган. Грецияда ҳам ичкилик ичганлар қутурган ҳайвонга тенг-лаштирилиб, дарҳол ўлдирилган.

Англияда ичкиликка ружу қўйган-ларга буйинтуруқ осиб, кўчама-кўча олиб юрилган.

қонунлар чиқарилган. Биринчи бўлиб 1919 йили АҚШда ана шун-дай тартиб жорий этилган. XX асрнинг 90-йилларида собиқ ит-тифокда ҳам «Қуруқ қонун» («Су-хой закон») жорий қилинди ва 1985-1987 йилларда 1984 йилга нисбатан киши бошига сотиладиган спиртли ичимликлар 10 литр-га камайди. Мутахассисларнинг 1988 йилдаги маълумотида алкогольизмга чалинганлар 4 ба-рборага камайгани, алкоголь таъ-сирида ўлганлар сони 32 фоизга қисқаргани қайд этилган. Аммо кейинги йилларда алкогольизмга қарши кураш сустлашди ва Рос-сиянинг ўзида 1992 йили 1988 йилга нисбатан алкогольизмга ружу қўйганлар 2,5 баробар ошди.

Ҳаёт таърибаси шунки кўрсат-моқдаки, аҳоли онгидега спиртли ичимликларга нисбатан салбий муносабат қарор топмас экан, алкоголь ичимликларни ишлаб чиқаришни камайтириш ёки та-қиқлаш билан мақсадга тўлиқ эришиб бўлмайди. Назаримизда аввало, ичкиликбозликнинг фожиали оқибатларини кўрсатув-чи таъсирчан асарларни, теле-кўрсатувларни, кинофильмларни қўлга олиш керак. Айни чоғда бу борада ОАВ кўчидан ҳам самар-али фойдаланиш зарур.

Лекин ҳамма жойда ҳам бунга амал қилинмаяпти.

Холбуки, Олий Мажлис Сена-тининг охири йиғилишида «Рек-лама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, маз-кур қонуннинг 23-моддаси матни қуйидаги тахрирда баён қилинди:

**«Тамаки, тамаки маҳсулот-лари ва ҳар қандай турдаги алкоголь ичимликлар ре-кламаси тақиқланади. Савдо объектларининг олд томонига, кириш (тран-спортга кириш) жойларида, витриналарида, ташқарида олиб чиқилган пред-метларда ҳамда бошқа жойла-рда тамаки, тамаки маҳсу-лотлари ва алкоголь ичим-ликларнинг тасвири, ном-ларини ва улар ҳақида бош-қа ахборотларни ўрнатил-тақиқланади.»**

Ушбу қонун қўлга кирди ва ик-ро учун қабул қилинди. Юртимизда ич-киликбозликни камайтириш сари яна бир қадам қўйилди. Лекин саломат-лик қўшанчаси, соғлом турмуш тар-зи, тараққийтни издан чиқарадиган ичкиликбозликни тамоман ўчириб ташлашимиз учун бу иллатга қарши «ўзуксиз курашимиз керак. Ич-киликбозликнинг оғир оқибатлари тўғрисидаги маълумотларни очиб ай-тишимиз, ёшларимиз, фарзандлари-мизни, ёшларимизни касофатга, қабохатга, фалокатга бошловчи бу бало-қазодан асрашга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўйишимиз керак.

**Асрор МҮМИН**

**халқ фаровонлиги, ўз оиласи тўқинлигига муносиб ҳисса қўшувчидир.**

**ЭЗГУЛИК БОҒИ**

оёққа туриб олишимизга ёрдам бериши. Россияда ишлаб чи-қилган ускуналарни олиб ўрнат-дик, ҳозир 9 хил пишлоқ тайёр-лаяпмиз. Утган йили даромад ҳисобидан жами 4,6 миллион сўм солиқ тўлаган бўлсак, бу йил тенг ярмага камайди. Ўзимизда қолаётган маблағни эҳтиёмимиз-га сарфлаймиз.

Унинг севинчи боиси шунда-ки, уларга солиқдан имтиёз бе-рилиб, ҳуқуқлари кафолатланмоқ-да, яратилиши ва янгиликка инти-лиш рағбатлантирилмоқда. Бу, 2009 йил бошида эълон қилин-ган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юза-сидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор асосида солиқ тўловларини 50 фоизга камайтирилишининг амалдаги

**Ҳамкорликдан ким манфаатдор?**

Шахрисабз туман солиқ ин-спекцияси иши билан яқиндан танишган киши суръат, маром ва аниқ иш услубини ҳис қили-ши табиий. Бўлимлар ва шўъба-

лар ўз иши билан банд. Кимдир миқозларни қабул қилади, ким-дир нақд пул тушумини кузатиш учун отланади. Бошқа биров бо-зорга йўл олади, яна бири қан-дайлиги шохобчаларида тартиб бўзилмаслигига масул. Ҳа, бу-гун давлат солиқчисининг иш қўламини анча кенг...

Мен шу асно «ўзига хос» му-лоқотнинг гувоҳи бўлдим. Бир йирик хусусий корхона бошлиғи: «Билангиз, биз фалон ташки-лот бурюртмаси бўйича қурилиш олиб бордик, улар маблағ таш-лаб бермас, солиқдаги қар-зимизни узоқламаймиз», деб ос-мондан келди. «Бизнинг давла-тимизда қонундан ташқари таш-килот йўқ. Ҳисоботларни тақдим қилинг, агар сиз элполлаган бўлсангиз, биз дебитор қарзин-гиз эвазига ўша ташкилотдан давлат солиқларини ундириб оламиз. Қарзингиз жуда катта, судга ўтказиб ўтирмай, маса-лани ўзимиз ечайлик, хўпми? Фақат баҳона тўқшига ва ал-дашга уринманг», деди Шавкат Ражабов унга жавобан.

Шундан сўнг ўзaro ҳамкорлик, солиқларнинг мажбурийлиги, аниқланган қонунбузарликлар ҳақида суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, беш ой ичида ҳўжа-лик судига даъво аризаси ки-риптиб, 107 солиқ объектдан 301 миллион сўмлик қарз унди-риб олинган. Яна 1416,1 мил-лион сўмлик солиқни тўламай юрган корхона ва ташкилотлар қарзини мол-мулкдан ундириш бўйича суд қарори чиққан. Қонунни бузган 9 та ҳўжалик субъектига 958 миллион сўмлик молиявий жарима қўлланилган. Айниқса, туманда рўйхатдан ўтган «Элегант-ОФД» фирмаси-нинг 2008-2009 йиллардаги фа-олияти камерал назоратидан ўтказилганда, катта миқдорда-ги даромадларни яшириш, со-лиқдан бўйин товлаш ҳолатла-

ри аниқланган. Натияжада вило-ят ҳўжалик суди туман солиқ инспекциясининг даъво ариза-сини қановатлантириб, «Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан, фирмага нисбатан 148,2 миллион сўм молиявий жарима қўллаш ҳақида хал қилувчи қарор чиқарибди. Булар мажбурий чоралардир, ҳамкор-лик эса асосий ўрин тутади.

Энди айрим миқозларнинг фикр-мулоҳазаси билан тани-шинг:

**Гулнора ЖҲРАЕВА** — «Б.Файзиев» хусусий кури-лиш ва ишлаб чиқариш кор-хонаси бош ҳисобчиси: — Ташкилотимизда 70 киши меҳнат қилади. Маҳсулот иш-лаб чиқарамиз, қурилиш билан ҳам шуғулланамиз. Агар миқоз-лар вақтида ҳисоб-китоб қилма-са, солиқ идораси ердан беряп-ти. Бундан миннатдорим.

**Жамшид ОЧИЛОВ** — «Шаҳри интернешнл» МЧЖ бош ҳисобчиси: — Ёғ ишлаб чиқарадиган йи-рик корхона оғганимизда, маҳ-сулот сифатини оширадиган ай-рим ускуналарга эҳтиёж сезил-ди. Ҳатто бир қанча вақт ишлаб чиқариш тўхтади. Агар солиқ идораси қўллаб-қувватламаган-да, тезда оёққа туриб ололмас-дик. Хориждан истеъмол ёғини тозалайдиган янги ускуналар кредит ҳисобига олиб келинди. Ҳозир бир кеча-кундузда 10 тон-на ёғ ишлаб чиқаришга эришил-ди. Солиқларни ўз вақтида тўлаш имкони юзага келди.

— Кўрииб турибдики, ҳамкор-ликда самара бор, — дейди Шавкат Ражабов. — Солиқ со-лиш услубларини такомиллаш-тириб бориш йўлида сўй-ҳара-кат қилинмоқда. Хусусан, «Солиқ кодексининг 70-моддасида ка-мерал назорат ўтказиб бориш белгиланган. Яъни, солиқ тўлов-чининг ҳисоботларини таҳлил

қилиш орқали бенуқсон фаоли-ятни таъминлаш кўзда тутилади. Умуман, намунали солиқ тўловчи — юксак маънавият со-ҳиб, давлатимиз таънчидир. Дону қизимиз, Республика қўриқ-танловининг совриндори, 92-мактабда ўқувчиси Нилуфар Раҳматова ўзининг солиқ ҳақида ёзган иншосида худди шундай мулоҳазаларни баён қилган эди. Уни ёш тадқиқотчи деса бўлади.

**Шарҳ**

**Машқура САФАЕВА** — 120-Шаҳрисабз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Шаҳрисабзни «Илм одоб куббаси» дейишади. Бу бежиз эмас. Бугун иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда катта ютуқларга эришилмоқда. Тогли Ҳисорак қишлоғида қурилган янги ахборот ва технология колле-жидега шароит, ўқувчиларнинг эҳоти таҳсинга лойиқ. Умуман, заҳоти қишлоқ ҳўжалиги, иқти-содийет коллежларида, 26-27-29-79-мактабларда, Ҳўжахўросон, Уймурут, Сарисонь, Кутчи, Ша-картери ва бошқа қишлоқ, ма-ҳалла фуқаролик йиғинлари, кор-хоналар, ташкилотларда учра-шувлар ўтказилди. Турли мавз-уларда қонунлар юзасидан жуда кўплаб саволлар бўлди. Туманда солиқ қонунчиликни янги ўрганиш, ёшлар ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш яхши йўлга қўйилган. Бу ибратли иш-ларни давом эттириш керак. Солиқ қонунчилигини чуқур ўр-ганиш, уни ҳаётда қўллаш, бунга одатланиш гоётада муҳим. Бу бо-рада Шаҳрисабз таърибаси таҳ-синга лойиқ...

**Юнус ҲУЗОҚОВ,** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

**Йўловчиларга қулайлик**

Юк ва йўловчи ташишда транспортнинг аҳамияти катта. Худудларда замонавий, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги қатновлар йўлга қўйилмоқда. Кенг ва равлон йўллар, пўлат излар қурилмоқда.



— Илгари талай муаммолар бор эди, — дейди Термиз шаҳрида истикомат қилувчи Нормурод Муродов. — Истик-лол шарофати билан шароит тубдан ўзгарди. «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган» янги темир йўлининг фойдаланишига топширилиши билан Қашқа-дарё ва Сурхондарё вилоятла-рида «Тошгузар» темир йўл бекати бунёд этилди. Мамла-катимизда яхлит темир йўл тизими вужудга келиши баро-баридега, юк ва йўловчи таши-ларда қулайлик яратилди. Бири-на Термиз шаҳрида соатига 500 йўловчини қабул қилади-ган вокзални кўрган кишининг ҳаваси келадди.

Бундан ташқари, ўттиз минг хонадон — қарийб 2 миллион-га яқин аҳоли истикомат қиладиган вилоят марказида

янги автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

— Дарҳақиқат, 2008 йилда Термизга мамлакатимизда ишлаб чиқилган 30 та «Исузи» русумли автобус келтирилган эди, — дейди «Шаҳрийўловчи-транс» давлат унитар корхона-си раҳбари Давлат Оқбоев. — Айни кунларда шаҳар ичидеги ўнга яқин йўналишларда халқимизга хизмат кўрсатил-моқда.

Яқинда «Файз» масъулияти чекланган жамият томонидан Деновга ҳам 20 та ана шундай уловлар олиб келинди.

Жорий йил охиригача жану-бий воҳага яна 100 та «Исузи» автобуслари келтириш режа-лаштирилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,** «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Ортиқжон Аҳмедовнинг қартириш қўли билан ишлаб чиқариш корхонаси бу йилдан беш фоизлик солиқ тўловига ўтди. «Бу ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имконини беради», — дейди у.

# Кучлилар Тошкентда жам бўлди



Муҳаммад АМИН (УСА) олган сурат.

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида таэквондо (WTF)нинг пумсе йўналиши бўйича V жаҳон чемпионати бошланди. Унда дунёнинг эллик саккиз давлатидан 453 нафар йигит-қиз даянга чиқади.

— Бугунги кунда Бутунжапон таэквондо федерацияси (WTF) га дунёнинг 191 давлати спортчилари аъзо бўлишган, — дейди Бутунжапон таэквондо федерацияси президенти Чунг Вон Чой. — Хозирда ер куррасининг турли минтақаларида ўн миллиондан ортиқ киши спортнинг мазкур тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Маълумки, акса-

рийат Шарқ яккакураш турларининг бир неча йўналиши мавжуд. Жумладан, таэквондо (WTF)да спортчилар керёгу ва пумсе йўналишлари бўйича даянга чиқишади. Яккама-якка курашдан иборат бўлган керёгу 1994 йилдан бошлаб Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. Комплекс машқур жамланмасини ташкил этувчи пумсе йўналиши ҳам ке-

## СПОРТ SPORT

### Спорт саройида жам бўлди

ийинги йилларда жадал ривожланиб бормоқда. Бу йўналиш хали Олимпия ўйинлари дастуридан жой олмаган, лекин унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги бизни беҳад хурсанд қилади.

Мазкур жаҳон чемпионатида голиб ва совриндорлар номи учта ёш гуруҳи бўйича аниқланади. Кучлилар учун ташиқлотчилар томонидан 28 та олтин, 28 та кумуш ҳамда 56 та бронза медаллари шодаси тахт қилиб қўйилган.

— Спортчиларимиз яқинда Остона (Қозоғистон)да ўтказилган Осиё чемпионатида иккита кумуш ва тўртта бронза медалига сазовор бўлишганди, — дейди Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси бош котиби Аббос Латипов. — Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Унда тажрибали мутахассис Александр Ли бош мураббийлигида йигирма бир нафар таэквондочимиз медаллар учун курашмоқда. Қувонарлиси, жаҳон чемпионатида илк маротаба халқаро тоифадаги икки нафар ҳақамимиз иштирок этади.

Эркин ХОЛБОВО



### Навбат — чорак финалга

Хитойда футбол бўйича давом этаётган Осиё чемпионати баҳслари охириги турида ёшларимиз ироқлик тенгдошлари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаб, ўз гуруҳларида юз фоизлик натижага қайд этди. Учрашувда Бахриддин Ақромов ҳисобни очган бўлса, Сардор Мирзаев ўртадаги фарқи оширди — 2:0. Гуруҳдаги иккинчи йўллама тақдир КХДР — Бахрайин жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳам бўлди — 2:0.

Энди 11 октябрь кuni ўтказиладиган чорак финал баҳсида мамлакатимиз ёшлари Саудия Арабистони футболчиларига қарши тўп суришса, мусобақа мезбони — Хитой вакиллари КХДР жамоаси билан куч синашади.

### Рақиблар номи маълум

Шу йилнинг 7-25 ноябрь кунлари Гуанжоу (Хитой)да XVI Осиё ўйинлари дастуридан жой олган футбол учрашувларига қўрба ташланди. Унга қўра Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси «Е» гуруҳида Бирландия Араб Амирликлари, Гонгконг ҳамда Бангладеш терма жамоалари билан ўйнайди. (Ўз мухбиримиз.)

# «Шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони бўламан!»

## Рустам Қосимжонов издошлари

■ Саккиз яшар Нодирбекнинг ишонч билан гапирishi бизни ҳайратга солди. Ҳазорасп туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Озод Раҳмоновнинг «Бизга бошқаларнинг ҳаваси келади. Мактабимизда ўқувчилар спортнинг ўзлари қизиққан турлари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бокс, қўл тўпи, футбол ва шоҳмот бўйича мактабимиз ўқувчилари нафақат вилоятда, балки мамлакат миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда ҳар доим олдинги ўринларни олиб келишяпти. Мана, Нодирбек шоҳмот бўйича биринчилигида бронза медали соҳиби бўлди», деган сўзлари қалбимизга ёруғлик олиб киради.

мот шайдоси. Вилоятда ўтказилган мусобақада тенгқурлари орасида учинчи ўринни эгаллаган.

Лекин у Нодирбекка тан беради: «Укам беш ёшида шоҳмотни ўрганган. Мен етти ёшимдан шоҳмотга қизиқдим. Нодирбек билан уйда шоҳмот ўйнаймиз. Кўпинча у мени ютади...»

Шу йилнинг 8-15 июнь кунлари Пекин шаҳрида болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё биринчилигида Нодирбек Ёқубовнинг ўйинчи ўрин эгаси бўлиши катта воқеа. Бу турнирда олтин медални қўлга киритган вьетнамлик тенгқури етти ярим очко жамғарди. Иккинчи ўрин эгаси бўлган ҳиндистонлик тенгдоши эса етти очко. Нодирбек ҳам шунча очко тўплайди.

Ушбу турнирда фахрий медалнинг сифатида тақлиф қилинган собиқ жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашгани, бирга суратга тушгани ёш шоҳмотчида унутилмас таассурот қолдирди.

Дарвоқе, Нодирбекни «кичкина шоҳмот қомуни» дейиш мумкин. Шоҳмот ўйини қачон пайдо бўлгани, шоҳмот



бўйича ўтказилган халқаро турнирлар, рўй бераётган янгиликларни сира аниқлашдан айтиб беради. Барча жаҳон чемпионларини, уларнинг қачон, қайси турнирларда голиб чиққанини ёд билади.

— Икки йил олдин Тошкентда шоҳмот турнирида дадаси билан қатнашди, — дея қулади онаси Ёркиной. — Ушунда ота-бола ёнидаги бор пулига бир қоп китоб олишибди. Ҳаммаси шоҳмотта оид. Қайнонам «Ҳеч бўлмаса, болаларга атаб совға» — қанд-курс олиб келмабсизлар», деб ўпкалаганди...

Нодирбек мактабда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқимокда. Айнқиса, хорижий тилларга ва математикага қизиқади. Хорижий тилларга қизиқиши беҳуда эмас. Пекинда айнан тили билмаслиги панд берган. Бир ўйинда эронлик

тенгқури Нодирбекка дуранг тақлиф қилган. Инглиз тилини яхши билмаганидан ушунда қўли банд келаётган бўлсада, дурангга рози бўлишига оз қолган. Уйин ҳаракати вазиятга обдинлик киритган.

Нодирбекнинг мураббийи Руслан Ниёзматов Урганч Олимпия захиралари спорт коллежиди ишлайди. Шоҳмот бўйича спорт устаси. Улар тез-тез шоҳмот ўйнайди. Хозирча шоҳмот устозидан умумхисобда бир очко ортда бормоқда.

Осиё чемпионатида эришган натижасига қўра, Нодирбек Ёқубов шоҳмот бўйича спорт усталигига номзодлик талабини баҳарди. Саккиз ёшида! Ёмон эмас-а?! Ҳўш, кейинги босқичларни қачон эгалламоқчи? Бу сўровимизга Ёш шоҳмотчи қиссан жавоб беради: «Ғарри Каспаров ўн икки ёшида спорт устаси, ўн етти ёшида гроссмейстер бўлган. Менин ш марраларни Каспаровдан эртароқ эгаллаш орзум бор...»


Октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида Грецияда болалар ва ўсмирлар ўртасида шоҳмот бўйича жаҳон биринчилиги бўлиб ўтади. Унда Нодирбек ҳам қатнашади. Орусси — чемпион бўлиш!

Нодирбекнинг катта галабалари олдинда. Ишонамизки, у ҳам Рустам Қосимжонов каби вақт келиб, юртимиз шарафини нуфузли турнирларда муносиб ҳимоя қилади.

Рўзимбой ҲАСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Нодирбек Ёқубов мактабнинг учинчи синфиди тахсил олапти. «Алифбо»ни беш ёшида ёд олган, шу боис мак-

табга вақтли қабул қилинган. Опаси Нилуфар билан бир синфда ўқийди. Дарвоқе, Нилуфар ҳам шоҳ-



## Ажойиб рақслар, мумтоз қўшиқлар

### Кўрик-танлов

■ Пойтахтимизда ўтказилган оилавий ансамбллар кўрик-танловиди пахтаободлик Раҳмоновлар оиласи фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Оила вакиллари — Омадилло ва Гулҳайлар «Энг яхши рақс жуфтлиги» номинацияси бўйича, Адолат Раҳмонова «Энг яхши даста раҳбари» йўналишида голибликни қўлга киритишди.

— Бундан кўп йиллар аввал тоғам «Дуторчи қизлар» ансамблини ташкил этганди, — дейди Адолатхон Раҳмонова. — Ушунда мен ҳам санъатнинг севрли оламига ошно бўлдим.

Адолатхон Раҳмонова тўғаси — Ўзбекистон халқ артисти Ганихон Тошматовнинг таълимини олиб кам бўлмади. Кўрик-танловда санъатсевар оила учта номинация бўйича голиблик қилди. Улар намойиш этган «Тўйна» дастури тамошабинлар эътиборини қозонди. Айнқиса, «Анджон полкиси» ижро этилганда ҳаманиннг кўнгли яйради.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Янги кўргазма-савдо

■ Дурадгорлар, кулоллар, наққошлар, мисгарлар, заргарлар, гиламдўзлар, зардўзлар ва халқ амалий санъатининг бошқа турлари билан шуғулланадиган кишилар эҳтиёж моллари тайёрлашлари билан бирга, бобоме-рос анъаналаримизни давом эттиради ва ёшларни болалигиданоқ меҳнатсеварлик, ижодкорлик руҳида тарбиялашга беназир ҳисса қўшади.

Чунки бундай усталарнинг иш жойлари ҳаммаша фарзандлари, кўни-кўшни, таниш-билишларининг болалари билан гавжум бўлади ва улар ўзларига яраша қандайдир фойдали иш билан шуғулланишади. Бора-бора, улар-



# «Зеб ичра зийнат»

Пойтахтимизда «Зеб ичра зийнат» халқ амалий санъати марказининг кўргазма-савдоси иш бошлади

нинг айримлари касб-хунарнинг усталари бўлиб етишади, қолганлари бошқа ишларнинг бошини тутишса ҳам ҳалол меҳнат қадрини билишади. Шу боис ҳукуматимиз томонидан болажон халқимиз учун тарбия ўчоғи вазифасини бажариб келаётган ва аждодлар анъанаси давомчилари бўлган халқ амалий санъати усталарининг ишини янада ривожлантириш борасида ғам-хўрлик кўрсатиб келинаёпти.

— «Зеб ичра зийнат» халқ амалий марказимиз шу йил баҳорда ташкил этилди, — дейди марказ раҳбари Шохалил Шоёқубов. — Фаолиятимизни кенг қўламада давом этишимиз учун шахримизнинг гавжум жойидан бино ажратилди («Интерконтиненталь» меҳмонхонаси ёнидаги «Тошкент Плаза»



савдо уйи биноси). Биноимизнинг биринчи қаваатида усталарнинг савдо-кўргазмасини йўлга қўйдик. Бу ерда усталар ҳам ишлайди, ҳам ўзи тайёрлаган махсулотларни намойиш қилади ва кўргазмага келган кишиларга ўз хунарлари тўғрисида маълумот беради, ҳам махсулотларини сотади. Хозирги кунда асосан тошкентлик усталар фаолият кўрсатишяпти. Кейинчалик риштонлик, гиждувонлик кулолларни, бухоролик зардўзларни, хоразмлик наққошларни ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги усталарни тақлиф қилишни режалаштирганмиз.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган халқ амалий санъатимизнинг кўргазма-савдоси доимий фаолият кўрсатади.


(Ўз мухбиримиз.)

## Коинот ва биз

### Самовий кенгликлар

Чикиндилардан тозаланиши лозим

■ Россиянинг П. Н. Лебедев номидаги физика институти олимлари коинот кенгликлариди «башбошдоқ» учиб юрган турли ҳажмдаги, ҳатто 1 сантиметр катталиқдаги жисмларни да аниқлаш имконини берадиган технология қурилма яратди.



Мазкур асбобнинг ишлаш жараёни оддий: самовий кенгликлардаги ҳар қандай жисм кўёш нурида товланади, аникроғи, нури ўздан кайтаради. Айнан шу кайтган нури бу асбоб датчиклари ўзида қайд этади ва шу орқали жисмининг ҳажмини, унинг қанча масофа узоқда жойлашганлиги ва қанча тезлик билан ҳаракатланаётганини аниқлаш мумкин.

Ҳўш, бу нима учун керак? Маълумки, бугунги кунда самовий кенгликлар табиий коинот жисмларидан ташқари сунъий жисмлар — ракета қолдиқлари, ишдан чиққан сунъий йўлдошлар ва уларнинг майдаланиб кетган бўлаклари билан «тўлиб» бормоқда. Бу эса ракеталар парвозига жиддий хавф туғдиримоқда.

Демак, айнан рус физиклари яратган асбоб коинот кенгликларини турли чикиндилардан тозалашда ёки уларнинг учиб йўналишларини аниқлаб, ракеталар парвозини режалашда асқотади.

— Бугунги кунда инсон фаолияти самовий кенгликларда ҳам хавф-хатар кучайишини юзага келтирмоқда, — дейди институтининг етакчи илмий ходими Сергей Богачев. — Ер орбитасида, яъни 700-800 километр юқорида 10 сантиметрдан катта космик чикиндилар (улар ишдан чиққан сунъий йўлдошларнинг самовий бошқа жисмлар билан тўқнашуви натижасида парчаланганидан юзага келган) кўпайганидан кўпайиб бормоқдаки, бу ерликларга хавф туғдирмай қолмайди. Улар сониясига 10 метр тезликда учиб юрибди. Демак, хулоса қилиш мумкинки, битта гайка ҳажмидаги жисм коинотда шунчалар катта энергияга эга бўладики, бу йирик трассада катта тезлик билан ҳаракатланаётган автомобиль энергиясига тенгдир.

Космик чикиндиларнинг айримлари атмосфера қатламига кириб, ишқаланиш натижасида ёниб кетиши мумкин ва шу йўл билан бироз камайиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо минг километрдан юқорида жойлашган космик чикиндилар бу кенгликларда абайди «сузиб» юришга «маҳкум».

— Коинотнинг ўз қонуниятлари бор. Космик жисмлар шу қонуниятларга қўра, ўз орбитаси бўйлаб ҳаракатланади, — дейди Томск давлат университетининг астрономия ва космик геодезия кафедраси мудири Татьяна Бордовина. — Демак, коинот механикаси қонуниятларини ҳисобга олиб, космик чикиндилар тўқнашувидан юзага келган парчалар қай йўсинда ҳаракатланишини башорат қилиш мумкин. Яқинда сибирик олимлар фавқулодда ҳодисани кузатдилар. Ишдан чиққан «Космос» сунъий йўлдоши фаолият кўрсатаётган «Иридиум» сунъий йўлдоши билан тўқнашиб кетди. Натижада улар парчаланиб, синиқлари орбита бўйлаб сочилиди ва бошқа табиий жисмлар билан аралашиб кетди. Айримлари Ернинг атмосфера қатламига кириб, ёниб кетди. Умуман, 800 километр тепалиқда «тозалов механизми» ҳар қалай юз бериб туради.

Энг хавфли қатлам геостационар орбитадир. Ердан 36 минг километр юқоридаги бу қатламда алоқа ва телевидение сунъий йўлдошлари бор. Уларнинг сони бугунги кунда мингдан ортиб кетди. Ачинарлиси шуки, фақат уларнинг 400 тасигина фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари — чикинди ҳисоб. Шундай вақт келадикки, физика қонунига қўра, улар бир жойга тўпланади ва сўнг тўқнашувлар юз беради.

Айнан коинотда тўқнашув юз бериши ҳисобга олиниб, ракета парвози қолдирилган вақтлар ҳам бўлган.

Хозирги пайтда космик жисмлар ҳаракати радиолокация ёрдамида кузатишмоқда. У 10 сантиметрдан катта ҳажмдаги жисмларни илғай олади, холос. Янги асбоб эса майда жисмларни ҳам кузатиш имконини беради. Демак, ҳозир майда жисмларни кузатишга асос яратилган экан, вақт келиб, космик чикиндиларни йиғиштириб олиш ва самовий кенгликларда кенг миқёсда тозалаш ишларини олиб бориш мумкин...

Манбалар асосида Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

Фаргона давлат университети томонидан 1998 йилда Мирзақаримова Дилоромхон Раҳматжонова номига 1115 қайд рақами билан берилган 177128-сонли диплом йўқолиганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ф.Х. «RAD IBROHIM» ликвидирўвется путем слияния с ООО «NURSULTONFAN» ликвидационным управлением назначен Исмаилов А.Ж. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону (8-371) 3047413.

Table with editorial and subscription information. Includes names like Safar OSTONOV, Tahrir Hay'ati, and contact details for the newspaper.